



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СУИЦИД ХОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Вахобжонов Дилмурод Дилшоджон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10438972>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-December 2023 yil
Ma'qullandi: 24- December 2023 yil
Nashr qilindi: 28- December 2023 yil

KEY WORDS

суицид, асос, ҳолат, ички ишлар
органлари, профилактика,
профилактика инспектори,
такомиллаштириш, чора-
тадбирлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг суицид ҳолатларининг олдини олиш фаолиятининг такомиллаштириш баён этилган. Шу билан бирга суицид ҳолатларини олдини олиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. профилактика инспекторининг суицид ҳолатларининг олдини олиш фаолиятига оид нормалар ва уларни қўллаш амалиёти ва суицид ҳолатларини олдини олиш фаолиятининг ташкилий асослари ёритилган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти берган баёнотга қараганда, ҳар йили 800 мингдан ортиқ киши ўз жонига қасд қилади. Яъни ҳар 40 дақиқада бир кишининг ўз жонига қасд қилишини англатади. Бу борадаги илк ҳисобот яқинда эълон қилинди.

Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, асосан 15 ёшдан 29 ёшгача бўлган шахслар ўз жонига қасд қилар экан. Шунингдек, 70 дан ошган қариялар ҳам бу дунёдан ўз жонларига қасд қилган ҳолда кетишга мойил бўлишар экан. Эркаклар аёлларга нисбатан уч баробар кўп ўз жонига қасд қилишади. Ҳар тўртдан битта ўз жонига қасд қилиш ҳолати қашшоқ ва ривожланиш йўлига ўтган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги 45 йилда ўз жонига қасд қилувчилар сони жаҳонда 60%га ошгани айтилади.

Киши ўзини ўзи ўлдирган ёки ўлдиришга уринган аксарият ҳолатлар шахснинг руҳий инқирозга учраши билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай инқироз инсонни руҳан жароҳатлаб, шахсиятига дахл қилган муайян ҳодисалар сабабли қўзғалган ўта кучли ҳис-туйғуни англатади. Мазкур ҳолатда ўз жонига қасд қилишга аҳд қилган киши онгида «ортиқ тоқат қилиб бўлмайди» деб идрок этилган вазиятдан чиқиб кетишнинг бошқа йўлини кўрсата олмайди. Руҳий инқироз дафъатан, кучли жазава таъсири остида юзага келиши ҳам мумкин. Бироқ маънавий танглик, кўп ҳолатларда аста-секин, турли салбий ҳис-туйғулар уйғунлашиб борган тарзда шаклланади, ўзбек тили таъбири билан айтганда «пичоқ суякка бориб етади». Қарор топган можароли вазият инсоннинг ўз жонига қасд қилиши билан якун топадиган хавфни юзага келтириши мумкин. Бунда киши, ушбу вазиятни ўз ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган жуда мураккаб ҳолат сифатида қабул қилиб, ўз имкониятларини можароли вазиятдан чиқиб

кегиш учун етарли эмас, деб идрок этади. Айни пайтда, умидсизликка юз тутиб, ўзини ўзи ўлдириш ҳаракатини ягона тўғри йўл, деб топади[1].

Суицидал ҳаракатлар маълум бир мамлакат, вилоят ёки миллатга хос ҳодиса ҳисобланар эди. Лекин сўнги йилларда жаҳоннинг барча мамлакатларида ўз жонига қасд қилиш суръатининг ўсиши кузатилмоқда. Шунингдек, у 15-34 ёш гуруҳ орасидаги ўлим сабабларидан етакчиси ҳисобланади[2]. Статистик маълумотларга кўра, кунига 3 минг киши, ҳар йили эса 1 млн.дан ортиқ киши ўз-ўзини ўлдиради[3]. Ўз жонига суиқасдлар сони якунига етказилган ўз-ўзини ўлдиришлар сонидан 10 марта ортиқ[4]. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, ҳақиқатда суицидларнинг сони расмий статистик маълумотлардаги кўрсаткичлардан бирмунча юқоридир. Бунда суицидга оид ҳодисаларни миллий қадриятлар, диний ёки сиёсий нуқтаи назардан яшириб, аксарият ҳолатда “бахтсиз ҳодиса” сифатида кўрсатилиши асосий сабаблардан ҳисобланади.

Умумжаҳон стандарт кўрсаткичларига мувофиқ 100.000 аҳоли сонига 10 тадан кам суицид ҳодисасининг қайд этилиши паст даражали, 10 дан 20 гача – ўрта, 20 дан 30 гача – юқори ва 30 дан ортиқ бўлса жуда юқори даражали деб баҳоланади[5].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан келтирилган маълумотларга кўра, Лотин Америкаси, Арабистон ва Осиё мамлакатларида суицид кўрсаткичлари нисбатан паст даражада ҳисобланади. Ўрта даражага Шимолий Европа, Шимолий Америка, Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океанининг Ғарб қисмидаги мамлакатлар киритилади. Суицид кўрсаткичи Шарқий Европа мамлакатларида юқори[6]. Шу нуқтаи назардан қараганда, ривожланган Европа давлатларида мазкур муаммо ўта долзарб ҳисобланади.

Суицидал хулқ-атворнинг ривожланишига бир қатор факторлар таъсир этади: кишининг жинси, ёши, яшаш жойи, касби, оилавий ҳолати, соғлиғи. Суициднинг сабаби эса одатда чуқурроқ бўлиб, айнан ушбу омил ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини юзага келишида ҳал этувчи аҳамият касб этади. Мазкур омиллар – ёлғизлик, оиланинг бузилиши, яқин кишисининг вафот этиши, жазодан кўрқиб, муваффақиятсизликка учраш, давосиз касалликлар, ўзини кераксиз ҳис этиш, қариликдаги жисмоний имкониятнинг чекланиши каби сабаблардан иборат бўлиб, уларнинг орасида иқтисодий қийинчиликларнинг улуши ниҳоятда кам. Моддий етишмовчилик ва суицидал ҳаракатни амалга ошириш эҳтимоли ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик кузатилмайди. Бу эса ўз навбатида суицидни юзага келишида иқтисодий омилларнинг таъсири фақат билвосита кўринишга эгалигидан далолат беради. Шунингдек, ўз-ўзини ўлдириш хавфи алкоголизм ва наркомания билан касалланганларда жуда юқори бўлиб, суицидларнинг 30%ини ташкил этади[7].

Мутахассислар суицид ҳолатларини ўрганиш натижасида ўз жонига қасд қилиш ҳолларининг ўсиши иқтисодий ривожланиш суръатига тўғри пропорционал эканлигини аниқлашган. Хусусан, тадқиқотчилардан С.В.Бородин ва А.С.Михлинлар жаҳоннинг 43 та давлатида қайд этилган суицид ҳолатларининг таҳлилига асосланиб, суицид ҳолатларининг содир этилиши ва аҳолининг моддий яшаш шароити ўртасида узвий боғлиқлик бор, деган хулосага келишган. Аҳолининг яшаш даражаси Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан сезиларли даражада баланд бўлган Европа давлатларида ўз-ўзини ўлдириш ҳолатлари кўпроқ учрайди.

Тадқиқотчилар суициднинг юзага келишида ижтимоий-маданий омилларнинг таъсири узоқ даврлар мобайнида ўзининг турғунлиги билан ажралиб туришига эътибор қаратадилар. Улар ичида диний омилнинг ўрни салмоқлидир. Масалан, мусулмон давлатларида протестан ва католик динлари тарқалган ҳудудларга нисбатан суицид ҳоллари анча кам учрайди. Католиклар кўпчиликини ташкил этган давлатларда ўзини ўлдириш ҳодисаси протестантлар кенг тарқалган мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада камдир. Айрим олимлар суицид содир этилишида фаслларга ҳам эътибор қаратганлар. Уларнинг тадқиқотларига кўра, баҳор ва ёз мавсумларида суицид ҳолатлари кўпроқ учрайди.

Жинсга нисбатан қиёсий таҳлиллар натижаларига кўра, ўз жонига қасд қилиш эркакларда аёлларга нисбатан уч баравар кўпдир. Лекин суицидал уринишлар эркакларга нисбатан аёлларда юқори ҳисобланади. Фақат Хитой мазкур кўрсаткичдан мустасно бўлиб, унда эркакларга нисбатан аёллар ўртасида кўпроқ суицид ҳолатлари қайд этилган.

Суицидал факторлар қаторида ёш ҳам муҳим аҳамият каб этади. 54 та мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, икки тоифа: 15-24 ва 65-74 ёшдагилар суицид ҳолатларининг аксариятини ташкил этади. 1995 йилга қадар 65-74 ёшдаги кексалар ўртасида ўз жонига қасд қилиш 15-24 ёшдагиларга нисбатан уч баравар кўп қайд этилган (2-расм). Лекин сўнгги йилларда мазкур кўрсаткич ўзгариб, ёшлар орасида суицид ҳолатлари ошиб бормоқда.

Суициднинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар:

Суицидга элтувчи психологик ва ижтимоий аспектларни билиш, ушбу йўналишда профилактик ва превентив (лотинча

«praeventive» – олдини олиш) тадбирларни тўғри ташкил этиш уни олдини олишга ёрдам беради.

Ўз жонига қасд қилиш тўсатдан юз бермайди: суицидга мойил ўқувчилар атрофдагиларни ўз ниятидан анча очиқ огоҳлантиришади ва тегишли чораларни кўриш учун кўп имконият қолдиришади. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш учун таълим муассасаларида қуйидаги стратегик профилактик тадбирлар амалга оширилиши зарур:

▶ шахсиятида бузилиш бўлган ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни психологик ёрдам билан таъминлаш;

▶ болалар ва ўсмирларни тушуниш, ёрдам кўрсатиш, руҳий изтиробларни енгиллатишга сидқи дилдан ҳаракат қилган ҳолда улар билан самимий суҳбатлар ўтказиш;

▶ кузатувчан бўлиш ва суицидга оид ният, гап-сўзлар ва хулқ-атвордаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш;

▶ дарсларни ёмон ўзлаштирадиган ўқувчиларга ўқишда ёрдам кўрсатиш;

▶ давомат ва дарс қолдиришларни назорат қилиш;

▶ ўз жонига қасд қилишга сабаб бўладиган воситалар заҳарли моддалар, хавфли дори-дармонлар, хавфли қуроллардан фойдаланишни чеклаш бўйича тадбирларни ўтказиш;

▶ ўқитувчилар ва мактабнинг бошқа ходимларига иш жойларида стрессни енгиллашда кўмак кўрсатиш;

► руҳий касалликка чалинган, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган ўқувчиларни ўз вақтида даволанишга йўллаш.

Социологлар суицидни ижтимоий тангликнинг барометри сифатида баҳолайдилар. Психологлар эса унга шахсга тазйиқнинг маҳсули сифатида қарайдилар. Мутахассислар ҳар икала ҳолатда ҳам суицид яшашга бўлган қизиқишнинг кескин тушиб кетиши натижасида юзага келишини тан оладилар.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат Республикамизда, балки жаҳоннинг барча мамлакатларида суициднинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, қонунлар қабул қилинмоқда ҳамда кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўз-ўзини ўлдириш ҳолатларининг олдини олиш Халқаро ассоциацияси тузилди, телефон орқали тез ёрдам кўрсатиш Халқаро Федерацияси ташкил этилди, ўтган йилнинг ўзида суицидга тарғиб қилувчи юздан ортиқ интернет сайтларининг фаолияти тўхтатилди, ўрта ва олий таълим муассасаларига юқори малакали психологлар жалб қилинмоқда. Лекин стаистик маълумотларга кўра, ўз жонига қасд қилиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Олимларнинг фикрича, бунга баъзи кишиларнинг ҳаётни қадрламасликлари, виртуал ҳаётнинг кучайиб бориши натижасида жамиятда пайдо бўлаётган ижтимоий тарқоқлик, миллий қадриятларнинг унутилиши, атрофдагиларга безътиборлик ва лоқайдлик, инсонлар орасида меҳр-оқибатнинг камайиб бориши асосий сабаблардан ҳисобланади. Зеро, бирор кишида ўз жонига қасд қилиш фикри дафъатан пайдо бўлмайди.

Мутахассисларнинг тавсияларига кўра, бирор кишида ўз жонига қасд қилишга мойиллик сезилганда унга жиддий эътибор бериш керак. Суицид ҳам касаллик кабидир, унинг аломатлари сезилганда тезда даволашга киришиш керак. Мазкур ҳолатда энг аввал ўзига зиён етказиш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин бўлган барча ашёларни масалан, пичоқ, қайчи, писка, ўроқ, арқон, дорилар, сирка, шунингдек, ўт ёқиш воситаларини беркитиш зарур. Эҳтиёт чораси сифатида, касални баландликлардан, масалан томга чиқиши ва баланд деразаларнинг ёнига боришидан сақлаш керак. Бундай кишиларни ёлғизлатмаслик, аксинча уларга далда бўлиш, меҳр кўрсатиш, муаммога объектив ёндашишни, қилаётган ишини нотўғри экани, ҳар бир муаммонинг ечими борлигини ва ҳаёт олий неъматлигини тушунтириш лозим. Агар касалнинг психологик ҳолати оғир бўлса мутахассисга учрашиш зарур ҳисобланади.

Профилактика инспекторининг суицид ҳолатларнинг олдини олиш фаолиятининг такомиллаштириш оид таклиф ва тавсиялар:

1. Профилактика инспекторлари бириктирилган маҳаллада суицид кўрсаткичи ўсиб бораётганини инобатга олиб, ўз-ўзини ўлдириш ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

2. Мазкур масалага оид маълумотларни илмий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш;

3. Суицид ҳолатларининг эпидемиологияси, уларнинг юзага келишида аҳамиятли бўлган хавф омиллари, ҳудудийлик хусусиятлари, метеорологик омилларнинг таъсирини ўрганиш;

4. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини юзага келишига сабаб бўлган факторларни ўрганиш, уларнинг олдини олишга қаратилган превентив чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Долимов Ш. Ўз жонига қасд қилиш билан якун топадиган хавфнинг вужудга келиши. <http://dolimov.zn.uz>
2. ВОЗ. Доклад о состоянии здравоохранения в мире. “Психическое здоровье: новое понимание, новая надежда”. –М.: Весь мир, 2001. 216 с.
3. Смертность российских подростков от самоубийств. Авторский коллектив. –М.: Детский фонд ООН (ЮНИСЕФ), 2011. 132 с.
4. Gururaj G. Suicide prevention: emerging from darkness. New Delhi, WHO Regional Office for South-East Asia, 2001;
5. WHO – Suicide Prevention. SUPRE. Multisite Intervention Study on Suicidal Behaviours – SUPRE-MISS: protocol of SUPRE-MISS. Management of Mental and Brain Disorders. Department of Mental Health and Substance Dependence / World Health Organization – Geneva, 2002. –P. 197.
6. Lester D., Yang B. Suicide and homicide in the 20th century. Commack, NY, Nova Science, 1998.
7. Murphy G.E. Why women are less likely than men to commit suicide // Comprehensive Psychiatry, 1998. -P. 165-175.

INNOVATIVE
ACADEMY